



2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини
телефонингиз орқали сканер қилинг



Шавкат МИРЗИЁЕВ

➡ 2

➔ 3

УЙДА ҚОЛИНГ!

Давлатимиз раҳбарининг “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиғини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарориди урушда аждодларимиз кўрсатган жасорат ғурур-ифтихор манбаи бўлиб, вақт ўтгани сайин бу ўлмас қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бораётгани алоҳида таъкидланади. Инсониятга катта қулфатлар келтирган бу урушда халқимиз ўзини нечоғли муносиб тутгани ўзбек халқи номидан фронтда жанг қилаётган жангчиларга йўлланган мактуб ҳам намойён этади. Бу мактубдаги айрим фикр ва чакирлиқлар тарихга объектив баҳо беришда қўл келиши, шубҳасиз.

Зеро, ҳар бир халқнинг маънавият даражаси, салоҳияти, бугуни ва келажаги кечаги кунига, ўтмишга бўлган муносабатига боғлиқ. Чунки тарих ва ундан чиқариладиган сабоқлар эл-юртнинг бугуни ва эртанги кунини ёритиб турувчи машъаладир.

Бу хатни Сизларга Ватан ёзди

Нуридийларимиз, жисгарпораларимиз! Бу хатни сизларга Ватан ёзди. Бу хат Воланинг шаҳри азини ва мустаҳкам қалабаси бўлган Сталинградга, ҳозир Ватанимизнинг тақдири хал бўлаётган ҳамма фронтларга қарата ёзилган. Бу хатнинг таъсиа бутун Ўзбекистон халқи кўл кўйгандир!

Ўғил ва укаларимиз, эр ва акаларимиз! Биз сизлар билан фахрланувчи мўйсифид боболарингиз, юраклари фарзанд меҳри билан тўла ота-оналарингиз, сизни кўмсаб соғинувчи ака-укаларингиз, интизор кутиб турган хотинларингиз, ёру биродарларингиз, ўғил ва қизларингиздиримиз. Сиз бизларни деб ўзининг азиз жонидан кечаётган, керак бўлиб қолса, шаҳид бўлишга шайланиб турган ва фашист жаллодларини қириб, маҳв этаётган гошлардирсиз. Бутун мамлакат билан бирга, бизлар ҳам уйқусиз тунларда ва ташвишли кунларда умид тўла кўзларимизни сизларга тикмоқдамиз, сизларнинг ишжоеат ва бо-тирлигингизни интизорлик билан кузатиб бормоқдамиз...

...Сиз душманин орқага чекинишга мажбур қилар экансиз, биз ўзимизни ўша озад этилган ерлардан мағрурона қадам босиб бораётгандек ҳис қиламиз.

Ватан тупроғи

Азиз жисгарўшаларимиз! Ватанинг ҳар бир қисм тупроғи биз учун табаррук экан, унинг немис-фашист итвоччалар оёғи остида мурдор бўлишга бепарво қараб турган кўзлар кўр бўлишга, бепарво эшитиб турган қулоқлар эса қар бўлишга лойиқдир!..



...Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ! Бу шир Ватанинг иродасидир. Биз ҳозир орқага чекинмай, тупроғимизни, ер-сув, шаҳар ва қишлоқларимизни маҳкам сақлаб қолса, пайти келганда олга юришимиз учун замин тайёрланган бўлади. Орқага чекинишни билмасан қадамлар олга боришни яхши билишлари керак.

Далда

Жанг майдонидаги фарзандларимизни яхшилаб тўйдириб туриш учун қолхоз, қишлоғу совхозларимиз жавобгар. Шу мақсад йўлида ишлаётган қолхоз ва совхоз далаларида сизнинг ҳам норманингизни бажариш учун бошланган икки-уч нормачилар ҳаракати кун сайин қизиб бормоқда. Ҳозир далаларимизнинг мўл ҳосилини, оқ олтиндек очилиб ётган пахтани йиғиб-териб, жамғариб олмоқдамиз. Пешона теримиз ва ҳалол меҳнатимиз билан ундирилган бутун маҳсулотни сизларга юбормоқдамиз, сизларнинг ота-оналарингизни, бола-чақаларингизни таъмин қилиб турмоқдамиз.

Илм, адабиёт — маданият

Интеллигентларимиз: олимлар, ихтирочилар, инженерлар, докторлар, ёзув-

чилар, санъат арбоблари, агрономлар ва бошқалар ўзларининг илмий санъатлари билан ишчимизнинг ҳаққонийлигини, курашимизнинг улугворлигини, Ватанимизнинг қудратини, кишиларимизнинг ва-зифаларини кенг тушуштириб, фронтчиларга ва мамлакат ичкарисидидаги ки-шиларга яна кўпроқ ишжоеат, юракларга далда беришлари, ғалабага қатъий ишонч тўғдиришлари лозим. Ғалабага ишонч бўлган жойида ваҳима ва иккилаш-ишга ҳеч қандай ўрин қолмади. Ин-теллигентларимиз ўз олдларида турган ва-зифаларни уруш даврининг талаб-

ларига мувофиқ курашчан бир савияга кўтаришлари керак.

Зеби Ғаниева

Ўзбекистонлик Зеби Ғаниеванинг Москва ҳимояси учун кўрсатган жасо-рати тилларда дoston бўлди. Зебихон халқ кўнгулчилари сафида Москва му-дофасасига отланди. У ўз ҳаётини бир неча бор хавф остида қолдириб развед-качилар сафида 12 марта “тил” (душ-манининг режоларини билиб олиш мақса-дида тирик асир тутиб келиш) опера-циясида иштирок этиб, суҳрат қозон-ди. Зеби Ғаниева жанг майдонларида 28 фашист жаллодни ер тишлатди. “Қизил байроқ” ордени билан мукофотланди.

Хуррият

Ўзбек халқи сизни ёвуз душманга қарши кундан-кунга даҳшатли ва газаб-лироқ курашга қақиради. Ҳозир душман-га нафрат, ўз Ватанига муҳаббат — хурриятпарвар кишилар оламига ҳурмат демакдир.

Аждодлар ғурури

Сенинг ота-боболаринг кўларини ки-шанга тутиб беришдан кўра энг қалин

занжирларни ҳам кўл билан узиб, тиш билан сиңдириб ташлаганлар. Гитлер фа-қат Европа миллатларининг, славян халқларининггина душмани эмас, у Шарқ халқларининг ҳам душманидир. Шимолий Кавказ ва Қримдаги мусулмон Шарқ халқларининг ҳам душманидир. Шимолий Кавказ ва Қримдаги мусулмон Шарқ қавму қабиаларига: адигейлар, татарлар, қорачойликлар, қабардин-болқорлар ҳамда чеченларнинг бошига тушиб тур-ган қулфат ва мусибат, жабуру жафолар бизлар учун яна бир огоҳлантириш эмасми?

Озодлик гули

Озодлик гулини бир ҳидлаб ол-ган киши уни умрбод унутмас. Юз йил умр кўрган кўлдан кўра бир кун эркин яшашга улғурган киши бахтиёр ва беармондир.

Куллик ҳақида

Душман макқоди. У бугун алдаш, кўрқитиш, ваҳима солиш йўли би-лан совет халқлари улуг оиласи-нинг аъзолари ўртасида низо чи-қармоқчи, бизнинг ғалабага бўлган иродамизни сиңдирмоқчи, эртага эса юртимизга ҳўжайин бўлиб, қол-хозлар ва совхозларимизни немис барон-ларига — помещикларига, корхонала-римизни немис капиталистларига ҳусусий мулк қилиб бермоқчи. Қўл бо-зорларини ривожлантириб, эркин ўзбек-ларни молдай сотмоқчи...

Миллий ғурурга таҳдид

Меҳр билан кўрган каналаримизни қон дарёларига айлантирмоқчи. У улуг ўзбек шоири Навоийнинг, ўзбек мунаж-жимси Улугбекнинг Самарқандини, ўзбек шоири Муқимийнинг Фарғонасини, мўғул босқинчиларига қарши кураш қаҳрамони Торобининг Бухоросини ер билан яксон қилиб, ер ердаги ҳазиналарни очқў Гер-манияга ташмоқчи, мактабларимизни қамоқхонага, театрларимизни фоҳиша-хонага айлантирмоқчи бўлади.

Мактуб ўзбек халқи номидан ўша замон ҳукмрон сиёсатининг етакчи та-мойилларини акс эттирган ҳолда ёзил-ган бўлишига қарамай, у минглаб ўзбек жангчиларини ғалабага руҳлантириб, уларнинг қалбиди келажакка ишонч ру-ҳини уйғота олгани билан тарихийлик касб этади.

«Халқ сўзи».

Одамлар «Ғалаба» сўзини эшитиш учун ҳам радио тинглашарди

1941 йилнинг 22 июнь тонгиди халқимизнинг тинч ҳаёти издан чиқди. Ўша куни кўчаларга ўрнатилган радиокарнайлар “Уруш бошланди”, деган совуқ ва даҳшатли хабарни тарқатди. Оғир ва машаққатли давр бошланди.

“Внимание, говорит Мос-ква! Передаем важное пра-вительственное сообщение... Наше дело правое! Враг бу-дет разбит! Победа будет за нами!” — Юрий Левитаннинг рус тилидаги овози янгра-нидан кўп ўтмай радиокар-найлардан Хамид Ғулом ёки Туроб Тўланинг “Тошкентдан гапирамиз. Ҳукуматнинг му-ҳим хабарини эшиттирамиз”, деган овозлари янгарди. Шу тарика радио фронтда юз бераётган воқеа-ҳодиса-ларни тезкорлик билан оммага етказишда энг қулай алоқа воситасига айланди. “Масофа билмайдиган ва қоғозсиз газета”, деган номга сазовор бўлди. Асли-да радио Ўзбекистонда 1924 йилдан бошлаб фа-олият юритаётган эди. Аммо уруш йилларида унинг роли ошди. Шу даврда Ўзбекис-тон радиоси учун янги саҳи-фа очилди.

Тошкент радиоси Москва информбюросининг тезкор хабарларини, Олий бош қўмондон буйруқлари, аскар ва зобитларнинг қаҳрамон-ликлари, фронт ортида меҳ-нат қилётган заҳматкашлар фаолияти ҳақида мунтазам равишда маълумотлар бериб турди. Ўша йилларда радио-журналистлар русча хабар-ларни худлик билан ўзбек-чага таржима қилиб, халққа етказарди. Радио етиб бор-маган аҳоли пункти деярли йўқ эди. Америкалик шоира Жозефина Престон Пибоди ҳақли равишда радиони “фикрларнинг ҳаво бўлиғи

орқали тарқалиши”, деб таъ-рифлаган эди.

Радио одамларни ғалаба-га руҳлантирди. Бошқача айтганда, Иккинчи жаҳон уруши даврида радио шараф билан синовдан ўтди. У вақт-ларда ҳозиргидек ёшиш жи-хозлари йўқ эди. Радиоода бевосита мулоқотлар бўлар-ди. Ёзувчи ва шоирлар, зиё-лилар, турли корхоналарнинг ходимлари, қишлоқ ҳўжали-ғи меҳнаткашлари, санъат-корлар Радио уйига келиб тўғридан-тўғри чиқиб қили-шар, фронтдаги ўзбекистон-ликларнинг қаҳрамонлиқла-ри, меҳнат жамоаларида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида гапиршарди. Шу та-рика халқ фронтда ўзбек ўғлонлари кўрсатаётган қаҳрамонликларидан хабар-дор бўларди. Радиодаги чи-қишлар туфайли даврий мат-буотнинг асоси бўлмиш пуб-лицистикага “жон кирди”. У вақтларда нафақат узок ки-лоқларга, балки йирик ша-ҳарларга ҳам газета ўз ва-қтида етиб бормагани боис радио асосий ахборот ман-баи бўлиб қолганди. Бундан ташқари, радиоода ахборот-дан кейин адабиёт намуна-лари ҳам ўқиларди.

Радиотингловчиларнинг таклифларига биноан радио-да фронтдан келган хатлар билан бир қаторда, фронтга йўлланган мактублар ҳам ўқиб эшиттириларди. Ўша йилларда республикамиз-нинг барча шаҳару қишлоқ-ларидан ва ҳатто фронтдан мактублар оқиб келарди.

“Радиога мактуб”ни бутун халқимиз тингларди. Макту-барда халқнинг, аскарлари-мизнинг душманга бўлган нафрати акс етарди ва ғала-бага ундарди. Уруш йилла-рида радиога минглаб хат-лар келгани айтилади. Айни шу мактублар туфайли уруш вақтида оила аъзоларини йўқотиб қўйган инсонлар бир-бирларини топишди.

Эътиборлиси, Москва ра-диоси ҳам ўзбекистонлик-ларнинг хатларини фронт учун ўзбек тилида ўқиб эшиттирган вақтлар ҳам бўлган. Фронтдаги ғалаба-лар ҳақидаги хабарларни ра-дио орқали билган ҳар бир инсон ўзида йўқ хурсанд бўларди. Шунга ҳам таъкид-лаш керакки, қўшинларнинг ҳар бир ғалабаси учун, ҳар бир эғалланган шаҳар учун Москвада салют отиларди. Ана ўша ғалаба салютлари-нинг овозлари ҳам радиодан берилган.

Халқимиз радио овози би-лан уйқуга кетиб, радио ово-зи билан уйғонарди, десак, муболага эмас. Фашистлар-нинг хиёнаткорона бостириб киргани ҳақида радио орқа-ли эълон қилингандек, душ-ман устидан қозонилган ғалаба хабари ҳам бутун мамлакатда ўрнатилган ра-диокарнайлар орқали янгра-ган.

Шорофиддин ТўЛАГАНОВ,
«Ўзбекистон 24»
редюканали
бўлим муҳаррири.

ЭЪЛОНЛАР

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бухоро вилояти кенгашини тугатиш тўғрисида эълон

ННТнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи (шунингдек, ННТнинг тугатишдан олдинги йил мобайнида ўзгартирилган барча тўлиқ ва қисқартирилган номлари):

Тўлиқ расмий номи:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Бухоро вилояти кенгаши.

Қисқартирилган расмий номи:

Бухоро вилояти маҳаллалар кенгаши.

ННТнинг жойлашган ери (почта манзили):

Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 2-уй.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами:

«Iroteka bank» ATIB Buxoro viloyat filiali:
хисоб рақами: 20212000900795512001;
МФО: 00088, СТИР: 207258166, ОКОНХ: 98600.

Рўйхатдан ўтказилган санаси ва рўйхатдан ўтказувчи орган тўғрисидаги маълумотлар (номи ва манзили):
2017 йил 26 июлда 473-сон билан Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан давлат рўйхатига олинган. Манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 28-уй.

ННТни тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги маълумотлар (санаси, тартиб рақами):
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқарувининг 2020 йил 17 апрелдаги «Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар фаолиятини тугатиш тўғрисида»ги 31-сон қарори билан тугатилган.

Кредиторларнинг талаблари кўрсатилган аризаларни қабул қилиш муддати:

Кредиторларнинг талаблари кўрсатилган аризалар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддатгача қабул қилинади.

2389

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сирдарё вилояти кенгашини тугатиш тўғрисида эълон

ННТнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи (шунингдек, ННТнинг тугатишдан олдинги йил мобайнида ўзгартирилган барча тўлиқ ва қисқартирилган номлари):

Тўлиқ расмий номи:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Сирдарё вилояти кенгаши.

Қисқартирилган расмий номи:

Сирдарё вилояти маҳаллалар кенгаши.

ННТнинг жойлашган ери (почта манзили):

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Қаҳрамонлар хиёбони, 1-уй.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами:

«Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ Сирдарё вилояти бўлими:
хисоб рақами: 2021200050800197001;
МФО: 00363, СТИР: 207258554, ОКОНХ: 98600.

Рўйхатдан ўтказилган санаси ва рўйхатдан ўтказувчи орган тўғрисидаги маълумотлар (номи ва манзили):
2017 йил 31 июлда 158-сон билан Сирдарё вилояти адлия бошқармаси томонидан давлат рўйхатига олинган. Манзил: Гулистон шаҳри, Сайхун кўчаси, 16-уй.

ННТни тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги маълумотлар (санаси, тартиб рақами):
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқарувининг 2020 йил 17 апрелдаги «Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар фаолиятини тугатиш тўғрисида»ги 31-сон қарори билан тугатилган.

Кредиторларнинг талаблари кўрсатилган аризаларни қабул қилиш муддати:

Кредиторларнинг талаблари кўрсатилган аризалар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддатгача қабул қилинади.

2339

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Фарғона вилояти кенгашини тугатиш тўғрисида эълон

ННТнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи (шунингдек, ННТнинг тугатишдан олдинги йил мобайнида ўзгартирилган барча тўлиқ ва қисқартирилган номлари):

Тўлиқ расмий номи:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Фарғона вилояти кенгаши.

Қисқартирилган расмий номи:

Фарғона вилояти маҳаллалар кенгаши.

ННТнинг жойлашган ери (почта манзили):

Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 2-уй.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами:

«Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ Фарғона филиали:
хисоб рақами: 20212000900796907001;
МФО: 00493, СТИР: 207260047, ОКОНХ: 98600.

Рўйхатдан ўтказилган санаси ва рўйхатдан ўтказувчи орган тўғрисидаги маълумотлар (номи ва манзили):
2017 йил 15 августда 238 «б»-сон билан Фарғона вилояти адлия бошқармаси томонидан давлат рўйхатга олинган. Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиёний кўчаси, 149-уй.

ННТни тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги маълумотлар (санаси, тартиб рақами):
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқарувининг 2020 йил 17 апрелдаги «Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар фаолиятини тугатиш тўғрисида»ги 31-сон қарори билан тугатилган.

Кредиторларнинг талаблари кўрсатилган аризаларни қабул қилиш муддати:

Кредиторларнинг талаблари кўрсатилган аризалар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддатгача қабул қилинади.

2346

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Хоразм вилояти кенгашини тугатиш тўғрисида эълон

ННТнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи (шунингдек, ННТнинг тугатишдан олдинги йил мобайнида ўзгартирилган барча тўлиқ ва қисқартирилган номлари):

Тўлиқ расмий номи:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Хоразм вилояти кенгаши.

Қисқартирилган расмий номи:

Хоразм вилояти маҳаллалар кенгаши.

ННТнинг жойлашган ери (почта манзили):

Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 13/1-уй.

Солиқ тўловчининг идентификация рақами:

«Hamkorbank» АТБ Урганч филиали:
хисоб рақами: 20212000100791450001;
МФО: 01020, СТИР: 207258245, ОКОНХ: 98600

Рўйхатдан ўтказилган санаси ва рўйхатдан ўтказувчи орган тўғрисидаги маълумотлар (номи ва манзили):
2017 йил 26 июлда 589-сон билан Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан давлат рўйхатга олинган. Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Тараққиёт кўчаси.

ННТни тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақидаги маълумотлар (санаси, тартиб рақами):
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши бошқарувининг 2020 йил 17 апрелдаги «Корақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар фаолиятини тугатиш тўғрисида»ги 31-сон қарори билан тугатилган.

Кредиторларнинг талаблари кўрсатилган аризаларни қабул қилиш муддати:

Кредиторларнинг талаблари кўрсатилган аризалар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддатгача қабул қилинади.

2356

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСА:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғма Г — 556. 39 806 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳаси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳриратта келган кўлёмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета таҳрират компьютер марказда терминал ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифалади